

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 11-sentabr, chorshanba № 70 (15708)

Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## Ўзбекистон Президентининг ШХТ саммитида иштирокига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг 2013 йил 12-13 сентябрь кунлари Бишкек шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 10 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Мазкур расадхона аждодларимизнинг буюк зақоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдиэлари ва тараққиётидан далолат беради. Си Цзиньпин Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Икки давлат раҳбарлари Амир Темури мақбараси ва Регистон мажмуини бориб кўрдилар.

Хитой раҳбари Шарқ меъморчилигининг ноёб обидаларидан бўлган Регистон мажмуини катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу ерда доимий фаолият юритувчи миллий хунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди. Самарқандда азалдан хунармандлик, савдо-сотик ривожланган. Қўли гул усталаримиз тайёрлаган маҳсулотлар Буюк ипак йўли орқали бутун дунёга, жумладан, Чин заминига ҳам етиб борган. Хитойнинг турли мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантириш ва маданиятини янада бойитишда Самарқанд муҳим роль ўйнаган.

Олий мартабали меҳмон қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тимсоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

— Жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, қадимий осори-атиқаларни асраб-авайлаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим, — деди Си Цзиньпин. — Қатъий ишонаманки, Ўзбекистон халқи Президент Ислам Каримов раҳнамолигида бундан кейин ҳам юксак ютуқ ва марраларга эришаверади.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Кўксарой қароргоҳида ўтган музокаралар якунида Ислам Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, саноат, минерал ресурсларни ўзлаштириш, энергетика, транспорт ва юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш бўйича ҳукуматлараро, вазирлик ва идоралараро ўзаро манфаатли кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги стратегик ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Шу билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди. Хитой раҳбари Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президент Ислам Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

Анвар САМАДОВ,  
Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари



## Ватан меҳри бирлаштирган ёшлар

Хоразм вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ва Урганч шаҳрида янги барпо этилган «Ёшлар кўли» дам олиш масканининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди

Бу икки воқеа республика-миздаги иқтидорли, фаол ва ташаббускор ёшларни Хоразм вилоятига чорлади. Шу йилнинг баҳоридан кўҳна заминда ўтказилган «Талабалар баҳори» ёшлар фестивали ҳақидаги ёрқин хотиралар ҳали-ҳамон минг-минглаб тенгдошларимиз қалбига шуқуқ солиб турган бир пайтда воҳада яна бир улкан ёшлик байрами бошланди. Юртимизнинг барча ҳудудларидан йиғилган уч юз нафар ёш иқтидор эгаси — давлат мукофотлари, Президент стипендиатлари, номдор стипендиялар совриндорлари, «Камо-

лот» ЁИХ етакчилари «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалида қатнашиш учун Хоразмга йўл олишди. Поездда ёшлар билан суҳбатлашиб келдик. Бири Урганч шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида эшитган кўрганларини сўзлаб берса, бошқаси шаҳарда бунёд этилган «Ёшлар кўли» дам олиш масканининг ҳаёлий тасвирини гавдалантиришга ҳаракат қилади. Ҳаммининг қалбида қувонч ва ҳаяжон, ўзгача интиқлик. Тўғри, юртимизда ёшлар учун мўлжал-

ланган масканлар кўп. Турли ҳудудларда «Камолот» боғлари, «Ёшлар марказлари» фаолият кўрсатмоқда. Лекин ёшларга атаб қурилган «Ёшлар кўли» — ҳозирча битта. Ва биринчиси айнан Урганч шаҳрида барпо этилгани барча хоразмликлар фахрланса арзиғулик ҳол. Шу боис «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан янги масканнинг очилиш маросими шунчаки тадбир эмас, балки ёшлик байрами сифатида ташкил этилди.

(Давоми 4-бетда)

# Намунали ва обод маҳаллалар

«Туркистон» саройида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичи бўлиб ўтди

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маҳалла институтининг мавқеини мустаҳкамлаш, имконият ва ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Бу борадаги кенг кўламли ишлар Обод турмуш йилида изчил давом эттирилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ барча маҳаллаларда амалга оширилаётган «Обод уйим» лойиҳаси маҳаллаларни ободонлаштириш, қишлоқларда экологик вазиятни ва аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилаётир. Бунинг самарасида жойларда ижтимоий инфратузилма яхшиланиб, замонавий болалар майдончалари ва спорт мажмуалари барпо этилмоқда.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигининг мустаҳкамланаётгани ўқув масканларидаги таълим-тарбия жараёни сифатини оширишда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни коллеж ва



лицейларга тўлиқ камраб олиш, қизларнинг касб-хунар эгаллашига яқиндан кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Жорий йилда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг қабул қилиниши маҳаллаларни аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва хунармандликни ривожлантириш марказига айлантириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришдаги вазибаларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика

танлови фуқаролар йиғинларининг бу борадаги фаолиятини ўрганиш, илғор тажрибасини кенг омалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Танловнинг туман, шаҳар босқичлари жорий йилнинг июнь-июль ойларига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар саралаш босқичлари август ойида ўтказилди. Юқори савияда ташкил этилган танловларда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи иштирок этди. Якуний босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида голиб бўлган 14 фуқаролар йиғинининг фаоллари иштирок этди.

Танлов жараёнида маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти ва эришган ютуқлари қонунийлик, ошқоралик, адолатлилик ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди. Шу билан бирга, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари тўғрисида»ги қонун ижроси, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, маҳаллалар қошида фаолият кўрсатаётган ўнга яқин жамоатчилик комиссияси, «Ота-оналар университетлари»нинг фаолиятига баҳо берилди. Танловда иштирок этган фуқаролар йиғинларининг ходимлари ўз тақдимоти, савол-жавоблар орқали маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлик масаласини ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни амалий мисоллар ёрдамида кенг очиб берди. Маҳаллалар фаолиятига оид фотоальбомлар, стендлар ва миллий хунармандлик ишлари кўргазмалари ҳам намоиш этилди.

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини (раиси А.Ваҳобов) биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўринни Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Нурсух» қишлоқ фуқаролар йиғини (раиси А.Уринбоев), учинчи ўринни Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги «Кўртқи» маҳалла фуқаролар йиғини (раиси О.Зокиров) эгаллади.

— Маҳалламизда 7700 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди танлов ғолиби, Тошкентдаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Ваҳобов. — Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, маънавий муҳит ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлик масаласини ҳал этишга яқиндан кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлашга оид ишларни юқори савияда йўлга қўйиш учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилган. Буларнинг барчаси маҳаллани меҳроқибат, тинчлик ва осойишталик, маънавият ва тарбия масканига айлантиришга хизмат қилмоқда.

— Мамлакатимизнинг энг намунали фуқаролар йиғинлари қаторидан жой олиш — катта шараф, — дейди иккинчи ўрин соҳиби, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Нурсух» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Уринбоев. — Чунки танлов юртимизда амалга оширилаётган яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари кўламини янада кенгайтириш, халқимизнинг бўй тарихи, маънавий меросини, ҳудудларнинг ўзига хос қадрият ва аънаваларини, намунали оилаларнинг ибратли ҳаёт тажрибасини омалаштиришда муҳим аҳамиятга

эга. Танловда эришган ютуғимиз аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ишларимизда бизга жуда катта ғайрат бахш этади.

— Бугунги кунда маҳалла миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб қилиш, ҳудудни комплекс ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасидаги устувор вазибаларни рўйбга чиқаришда муҳим куч сифатида ўзини ҳар томонлама намён этмоқда, — дейди Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги «Кўртқи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, учинчи ўрин соҳиби О.Зокиров. — Буни бизнинг йиғин мисолида ҳам кўриш мумкин. Амалга ошираётган ишларимиз натижасида охириги олти йил мобайнида ҳудудимизда ҳуқуқбузарликлар умуман қайд этилмади. Бу рағбат бизга жуда катта масъулият юклади.

Тадбирда санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Икромов, Э.Боситхонова иштирок этди.

**Назokat УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

Суратда: (чапдан) Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Нурсух» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Азизбек Ўринбоев, Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдухолик Ваҳобов ва Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги «Кўртқи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Зокиров.

Сарвар ЎРМОНОВ  
(ЎЗА) олган сурат

## Чемпионлар камол топади

Нукуснинг марказида чиройини кўз-кўз қилиб турган, кўрганни мафтун этувчи ажойиб архитектура намунаси бор. У 2006 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган 2-республика кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабидир.

БўСМда бугунги кунда 752 нафар ёш спортчи таълим олаётди. Улар бу ерда баскетбол, волейбол, бадий гимнастика, оғир атлетика, шотокан каратэ-до, таэквондо, кураш, енгил атлетика, бокс сингари спортнинг ўн тўрт тури бўйича шуғулланади. Йигирма олти нафар тажрибали мураббий уларга сабоқ беради.

Марказий зал, гимнастика ва оғир атлетика залларида машғулотлар қизгин. Кимга чин, кимга ёлғон, одатда, машғулот тонгда, соат олти-

да «югур-чоп», «ўтир-тур»дан бошланади ва тунда — роппа-роса ўн бирда якунланади. Бу ерда шуғулланувчилар шундай тобланади. Фақат жисмонан эмас, руҳан, маънан камол топади.

Машғулотлар ҳеч кимни зериктирмайди, бу хайратларли, албатта. Ахир, бир хил машғулот (бунда фақат спортдаги машғулотни назарда тутаётганимиз йўқ) ҳар қандай инсонни зериктиради. Бироқ бу ерда муҳит бошқача: ҳамма кувноқ, ҳеч ким ҳеч кимни зериктирмайди. Тунд, кайфият-

сиз, тушкун ҳолатда машқ қилаётган спортчини кўрмайсиз.

Янги кайфиятда, улкан орзу-мақсадлар қанотида қилинган меҳнатлар ўз самарасини бераётди. Утган йили мураббий Ҳ.Қалимбетов шогирдлари Тошкентда ўтказилган шотокан каратэ-до бўйича жаҳон кубогида қатнашди. Г.Тобатова, Г.Қайпанова, Э.Худоёрова, Ш.Авезбоева, А.Алламберганаева, А.Ибайдуллаевнинг ҳаракатлари эвазига умумжамоа ҳисобида учта олтин, бешта кумуш, олти бронза медал қўлга киритилди. Жорий йилнинг августида Токиодаги халқаро мусобақада эса Н.Дўсимбетов жамоавий кумитэда учинчи ўринни эгаллади.

— Ўқувчиларимиз хоҳ ички

мусобақалар бўлсин, хоҳ халқаро мусобақалар бўлсин, бўш келишмаяпти, — дейди мактаб директори Ў.Тўлаганов. — Юртимизда болалар спортга қаратилаётган эътибор, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун яратиб берилаётган шароитлар туфайли болаларимизга янги сабоқ бериш учун имкониятларимиз етарли. Ўз навбатида, шогирдларимиз ҳам масъулиятни ҳис қилиб, юракдан машқ қилишади. Муваффақиятларимиз гарови шу.

Спорт турлари ичида энг нафис, шубҳасиз, бадий гимнастика. Мактабда бу спорт турига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

— 2007 йилда Президентимиз мактабимизга келди. Ўқув-

чиларимиз билан учрашди, — дейди Халқ таълими аълочиси, мураббий Н.Полвонова. — Бу кайфиятимизни янада кўтарди, бизни ғалабаларга руҳлантирди. Шундан буён кўрсатаётган натижаларимиз чакки эмас. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида қатнашдик. Унда Ш.Иброҳимова, Е.Раҳмонова учинчи ўринни олди.

Бундай муваффақиятлар БўСМ фаолиятида жуда кўп. Уларни санашдан кўра, спортчиларнинг машғулотини кузатиш мароқли туюлади. Тенгдошларимизнинг реза-реза тер чиққан юзида ғалабага иштиёқ, шижоат барқ уриб турибди.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

# Бизни кутар шодон лаҳзалар!

Шу кунларда велосипед пойгасига қизиқувчи тенгдошларимиз 14 сентябрь куни пойтахтимизда бўлиб ўтадиган «Kamolot»-tur VI анъанавий веломарафонининг финал босқичини интиқлик билан кутишмоқда.

3 — 10 сентябрь кунлари мазкур веломарафоннинг ҳудудий босқич беллашувлари ўтказилди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни оммавий спорт турларига кенг жалб этиш мақсадида ташкил этилган веломарафоннинг вилоят босқичлари ҳақида хабар қилишади.

## СУРХОНДАРЁ

Обод турмуш йили, Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилган веломарафонда тажрибали велопойгачилар билан бирга, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, шунингдек, маҳаллаларда яшовчи тенгдошларимиздан иборат ўн тўрт ёшдан ўттиз ёшгача бўлган 250 нафар ҳаваскор велопойгачи иштирок этди.

Велопойгачилар Термиз шаҳрининг Алпомиш кўчасидан бошлаб, Алишер Навоий кўчаси бўйлаб ўн километр масофани босиб ўтди. Маррага биринчи бўлиб етиб келган Шуҳрат Ҳазратқулов, Александр Шелетов, Мария Белова, шунингдек, «Энг ёш пойгачи», «Энг маҳоратли техник пойгачи», «Фахрий пойгачи» каби номинацияларда ғолиб бўлган велоспортчилар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Ёдгор АШУРОВ**

## БУХОРО

— Олга! Алишер, маррага оз қолди!

— Яша, баракалла!

... Ниҳоят, марра! Ўн беш ёшли Алишер Фозилов «Kamolot»-tur VI ёшлар веломарафонининг Бухоро вилояти босқичида маррага биринчи бўлиб етиб келиб, олқишга сазовор бўлди.

— Ўтган йили «Kamolot»-tur V ёшлар веломарафонинида иштирок этиб, муваффақиятга эриша олмаганим. Ушанда мени олқишлаш учун келган синфдошларимга: «Кейинги йилда, албатта, ғолиб бўламан», дея сўз берганим. Шундан сўнг тинимсиз тайёрландим. Интилишларимни кўриб, дадам яп-янги велосипед олиб берди. «Kamolot»-tur VI ёшлар веломарафонинида нафақат ўз тенгдошларим, балки барча иштирокчилардан олдин маррага етиб келганим



ҳам оилам, ҳам мактабим, ўзим учун жуда катта ютуқ бўлди.

Бухоро шаҳридаги 13-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Алишер Фозиловнинг қувонч билан айтган сўзлари томошабинлар томонидан яна бир бор қарсақлар билан кутиб олинди.

Дарҳақиқат, бу йилги «Kamolot»-tur VI ёшлар веломарафони Алишер сингари кўплаб ёш велоспортчилар учун омадли келди. Бухоро шаҳридаги Арк кўрғони майдонидан Кўҳна ва боқий Бухоро мажмуасигача бўлган масофада кечган велома-

рафонда Экоҳаракатнинг вилоят ҳудудий бўлинмаси, ташкилотлар раҳбарлари, фахрийлар, ёш эстрада хонандалари, ёшлар ва ёш оилалар, Ҳаракат фаоллари, сардорлардан иборат 260 нафар киши қатнашди. Мусобақа якунига

кўра, маррага биринчи бўлиб етиб келганлар ва ва турли номинациялар бўйича ғолиб бўлганлар тақдирланди. «Пойгачилар оиласи» номинацияси соврини Жўраевлар оиласига насиб этган бўлса, Азамат Ботиров «Энг ёш пойгачи» деб то-

пилди. «Энг ёш техник пойгачи» номинацияси бўйича Маҳмуд Насруллаев, «Фахрий пойгачи» номинацияси бўйича Элшод Қувватуллоев ғолиб бўлди. 9 — 14 ёшлилар ўртасида кечган баҳсларда Мироншоҳ Муродов, Бехрўз Ҳожиёв, 15 — 17 ёшлилар орасида Денис Голобаев, Илгизар Сибгатулин, Маҳмуд Насруллаев, 18 — 30 ёшлилар ўртасида кечган беллашувларда Рафаэль Қўлдошев, Сардоршоҳ Султонов, Самандар Сафаров ғолибликка эришди.

Мусобақада уч тоифа бўйича ўрин эгаллаган Алишер Файзиев (9 — 14 ёш), Илгизар Сибгатулин (15 — 17 ёш), Рафаэль Қўлдошев (18 — 30 ёш) веломарафоннинг республика босқичида қатнашиш учун йўлланма олди.

**Шерзод ХОЛИҚОВ,**  
**«Kamolot» ЁИХ вилоят кенгаши бўлим мутахассиси**

## Ўқиган кам бўлмайди

Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани энгил саноат касб-хунар коллежи маъмурияти Наманган давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқитувчиси Равшанбек Абдувалиев билан бирга ажойиб ташаббусга қўл урганди. Бу ташаббуснинг меваси ўлароқ, коллеж қошидаги «Step by step» инглиз тилини ўрганиш курси ташкил этилганига кўп бўлмади.

Курснинг илк битирувчилари кўрсатган натижалар эса таҳсинга лойиқ. Тумандаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактабида курс тингловчилари тайёрлаган «Don't forget us» («Бизни унутманг») тадбирида Касаба уюшмалари бирлашмалари вилоят кенгаши, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши, «Kamolot» ЁИХ туман кенгаши ва касб-хунар коллежи вакиллари иштирок этдилар.

Ўқувчиларнинг инглиз ва ўзбек тилларида тайёрлаган дастурлари, инглиз

тилида жумлаларни бийрон ифода этишлари, шеърларни равон ўқишлари тақдимотга йиғилган ота-оналари ва устозларни хушнуд этди. Бу йил курснинг ўн нафар илк битирувчиси-дан саккиз нафарининг турли олий ўқув юртлигига, улардан кўплари грант асосида ўқишга киргани кутловга арзигулик.

— Биз курсда ўқишга астойдил тайёрландик. Натижа ёмон бўлмади. Бизларга мақсад йўлини кўрсатган ва қанот бағишлаган устозимиз Равшанбек акага минг раҳмат — дейди тақдимот иштирокчиси Дилфуза Абдуллаева.

Тақдимот маросимида иштирок этган ёшларга ҳокимликнинг фахрий ёрликлари, Касаба уюшмалари бирлашмасининг ва бошқа ҳомийларнинг қимматбахо совғалари топширилди.

Таъкидлаш жоизки, дастлаб ўн икки нафар тингловчи билан иш бошлаган курсда бугунга келиб етмиш беш нафар иқтидорли ёшлар таҳсил олмоқда.

**Дилбар АСКАРОВА,**  
**«Turkiston» муҳбири**

Tashabbus

«Kamolot» ko'zgusi

«Kamolot» ЁИХ Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан Самарқанд давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши депутатлари, «Kamolot» ЁИХ аъзолари, Самарқанд давлат университетининг фаол талабалари иштирок этди.

## Бебаҳо неъмат

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисо-ласи мазмун-моҳияти тўғрисида сўз борди. Сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг бугунги кунда нафақат Марказий Осиё миқ-ёсида, балки дунё ҳамжамятида тинч-ликни сақлашга қўшаётган улкан ҳисса-си тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтишди.

— Бу давра суҳбатини ташкил этиш-дан мақсад ушбу рисо-ланинг мазмун-мо-ҳиятини ёшларга кенг тушунтиришдир, — дейди «Kamolot» ЁИХ Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Қобилов.

— Юртбошимизнинг ушбу рисо-ласида жуда долзарб фикрлар билдирилган. Унинг асл мазмун-моҳиятини ташкил этувчи тинчлик мавзуси ҳақиқатан ҳам бугунги куннинг энг долзарб, асосий мавзусидир. Рисолани ўқиб, янада кен-грок, чуқурроқ англаб етдимки, тинч-

лик барча нарсанинг асосидир, тарақ-қиёт ва фаровонлик манбаидир, — дей-ди Самарқанд давлат университети талабаси Шоҳрух Жўрақулов.

— Биз тенги ёшлар айнаи дамда фа-қат илм олиши, Ватан ва жамиятга нафи тегадиган бир инсон бўлиб ети-шиши лозим бўлган бир даврда кўлига курул олиб юриши — бениҳоя оғриқли ҳолдир, — дейди Ҳаракатнинг Самарқ-анд давлат университети ҳуқуқшунос-лик факультети бошланғич ташкилоти етакчиси Зиёда Ўринбоева.

Тадбир ташкилотчилари томонидан шаҳардаги бошқа таълим муассасала-рида ҳам ушбу рисо-лани ўрганиш юза-сидан учрашувлар давом этмоқда.

**Дилшод БЕКҚУЛОВ,**  
**Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаши мутахассиси**

Yoshlar festivali davom etadi

# ВАТАН МЕҲРИ БИРЛАШТИРГАН ЁШЛАР

(Давоми, боши 1-бетда)

... Ниҳоят, манзилга етиб келган фестивал иштирокчилари Урганч темир йўл вокзалида карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Дастлаб улар Хоразмий хайкали пойига гулчамбарлар куйишди. Сўнг Хивадаги Ичанкальа ёдгорлик мажмуасига саёҳат қилиб, у ердаги тарихий обидалар билан яқиндан танишди. Саёҳат давомида ташкил қилинган бадиий жамоаларнинг чиқишлари, шўх-шодон куй ва рақслар, театрлаштирилган томошалар барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Йўл-йўлакка ёшлар Урганч ва Хива шаҳарларида қад ростлаган янги тураржойлар, савдо мажмуалари, спорт объектлари, кўча ва хиёбонлардаги курилмиш ва ободонлаштириш ишларини кузатиб, юртимизда халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган улкан саяёҳат-қаракатларнинг гувоҳи бўлишди.

## БИРЛАШИБ БИЗ...

Бу гапда ҳикмат кўп. Ёшлар бирлашсагина катта кучга айланади, бирлашибгина катта ишларни қилишга қодир. 2011 йилдан буён Ҳаракат томонидан амалга оширилаётган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали лойиҳаси мисолида ушбу ҳақиқат тақрор ва тақрор ўз тасдиғини топмоқда. Лойиҳадан кўзланган мақсад ёшларни Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, мамлакатимизда рўй бераётган янгиликларни, ёшларга оид давлат сиёсати, шунингдек, истиқлол берган имкониятлар ҳамда мураккаблик йилларида турли соҳаларда олиб борилган кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тунуштириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маънавий даражасини юксалтириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини кучайтиришдан иборат.

Юртимизда ёш авлод камолоти йўлида олиб борилаётган улкан ишлар, ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик замирида, аввало, буюк давлат барпо этишдек улкан мақсад борлигини бундан мустақил Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир ёш теран англаши, юрт тақдирини ўз тақдирини деб билиб, мамлакат истиқ-

боли йўлида меҳнат қилиши керак! Бизни ана шундай ягона мақсад сари бирлаштиришда ёшлар фестивалларининг муҳим ўрни бор.

Жорий йилда Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Тошкент, Жиззах ва Бухоро вилоятларида ўтказилган ёшлар фестиваллари доирасида 730 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Уларда бир миллион нафарга яқин тенгдошларимиз иштирок этди, мингдан зиёд иқтидор эгалари кашф этилди.

## ТАРҒИБОТЧИЛАР ТЕНГДОШЛАР ДАВРАСИДА

Ёшлар фестиваллари ўн иккита лойиҳани ўз ичига қамраб олган. Лойиҳаларда депутатлар, ёш олимлар, маданият ва санъат арбоблари, кино, театр актёрлари, таниқли спортчилардан иборат тарғибот гуруҳлари иштирок этмоқда. Йил бошидан буён ёшлар фестивалларига икки юздан зиёд республика тарғибот гуруҳи аъзолари жалб қилиниб, олис қишлоқлар, туман ва шаҳарларда ёшлар билан бевосита учрашув ва жонли мулоқотлар олиб борилди.

Хоразм вилоятида ташкил этилган ёшлар фестивалида жами олти миш мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди. Фестиваль доирасида жойларда «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти тарғибот тадбири», «Депутатлар ва ёшлар» мавзусида давра суҳбатлари, «Сиз севган қахрамонлар» ва «Замонамиз қахрамонлари», «Истиқлол истеъодлари» мавзуларида ижодий учрашувлар, «Президент асарлари билимдонни», «Камолот» билимдонлари» кўрик-танловлари, «Виждонли сотувчи» акцияси, «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» ҳамда «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви ва бошқа лойиҳалар амалга оширилди. Фестивалнинг охириги кунинда Огаҳий номидаги вилоят муסיқали драма театрида «Кунноклар ва зукколар» беллашуви бўлиб ўтди.

## ҲОКИМ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Яқин истиқболда Хоразм вилоятида экскаваторлар, «Дамас» русумли автомобиллар ишлаб чиқарилади. Тез орада Урганч шах-

рида янги «Бахт уйи» биноси, тўрт қаватли замонавий тураржойлар, гипермаркет қурилиб, фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, шаҳардаги марказий деҳқон бозори ва автовокзал қайта таъмирланиб, замонавий шароитларга эга бўлади.

Учрашувда Хоразм вилояти ҳокими Пўлат Бобононов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ташкил этилди. Уларда бир миллион нафарга яқин тенгдошларимиз иштирок этди, мингдан зиёд иқтидор эгалари кашф этилди.

— Учрашувда қатнашиб, кўпгина янгиликлардан бохабар бўлдим, — дейди Гурлан тумани ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис коллежи ўқувчиси Шаҳноза Иброҳимова. — Янгиликлар эса ҳавас қилгулик даражада. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, бугун мамлакатимиз буйлаб, хусусан, она шахримиз — Урганчда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари кимнинг ҳам ҳавасини келтирмайди, дейсиз? Мухими, буларнинг барчаси биз, ёшлар учун қилинмоқда. Демак, берилган эътиборга муносиб бўлиш керак. Учрашув давомида шу хулосага келдим. Вилоят ҳокими билан мулоқотда муаммо ва тақлифларимизни бемалол, дадил-дадил айтишди. Масалан, мен туманимизда спорт саройини қуриш ҳақида тақлиф бердим. Чунки аксарият тенгдошларим спортга қизиқмади. Уларга шуғулланиш учун муносиб шaroит қилиб берилса, эртага улардан чемпионлар етишиб чиқишига ишончим комил.

Учрашувда фаол қатнашган ёшлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Вилоят ҳокими Пўлат Бобононовга эса «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашининг ташаккурномаси топширилди.

## САНЪАТКОРЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Кимдир севимли фильмида боз ролни ижро этган актёрни, кимдир қайси бир асар муаллифини ўзига қахрамон сифатида танлайди. У билан учрашишни, дилдан суҳбатлашишни, эсдалик



## ЁШЛАР КЎЛИ — ТЕНГДОШЛАРИМИЗ ИНТИЛАДИГАН МАСКАН

ушун суратга тушишни хоҳлайди. Фестиваль доирасида ўтказилган «Сиз севган қахрамонлар» ва «Замонамиз қахрамонлари» мавзусидаги ижодий учрашувлар ҳозирдаги ёшларга ўзлари ёқтирган ёзуви ва шоирлар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари билан учрашиш имконини берди. Ана шундай ижодий учрашувлардан бири Урганч давлат университетига ўтказилди. Учрашув чоғида бугунги миллий кино санъатимизда эришилган ютуқлар, суратга олинаётган янги фильмларнинг савияси ва уларда замонамиз қахрамонлари образини яратиш ҳақида сўз юритилди.

— Университетимизга бир қанча актёрлар — Мирза Азизов, Доно Бобононова, Жумадулла Рамаев, Алишер Узоқов, Адиз Ражабов келганини кўриб, ниҳоятда кувондим. Чунки уларнинг ижодини ҳурмат қиламан ва доим кузатиб бораман. Меҳмонлар ижодий фаолияти, келгуси режалари билан ўртоқлашдилар, — дейди Урганч давлат университети талабаси Муқаддас Йўлдошева.

«Сиз севган қахрамонлар» ва «Замонамиз қахрамонлари» мавзусидаги ижодий учрашувлар ТТА Урганч филиалида, «Кўшкўпиркиновидео» ва «Шовоткиновидео» корхоналарида, Янгибозор педагогика коллежи, Гурлан ижтимоий-иқтисодиёт коллежи, Хазорасп иқтисодиёт коллежи, Хива педагогика коллежи, Богот тумани энгил санъат коллежи, Янгириқ туманидаги Таган маийши хизмат кўрсатиш коллежи, Хонқа иқтисодиёт коллежида ҳамда Хонқа туманидаги 38-мактабда ҳам бўлиб ўтди.

Хива туманидаги 20-меҳрибонлик уйи ҳамда Урганч туманидаги Юқорибоғ оилавий меҳрибонлик уйида ташкил этилган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» лойиҳаси ушбу масканларда тарбияланаётган болажонларга қувончли онларни эълан қилди. Уларнинг севимли актёрлари, шоир ва ёзувчилар билан мазза қилиб мулоқот қилишди.



кафе, шахмат клуби ва бошқа объектлар жойлашган.

Мажмуанинг қўсқа вақт мобайнида хашар йўли билан барпо этилганни алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳомий ташкилотлар ҳамда бир қанча тадбиркорларнинг кўмаги билан бу ерда умумий қиймати 12 миллиард сўмлик қурилиш ва монтаж ишлари бажарилди. Ушбу ишларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашлари қошида шакллантирилган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари ҳам фаол қатнашди.

«Ёшлар кўли» дам олиш масканининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова, Хоразм вилояти ҳокими П.Бобононов, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси Б.Ғаниев, меҳнат фахрийлари, санъаткорлар ҳамда ёшлар иштирок этди. Тадбирда вилоят ҳокими «Ёшлар кўли» дам олиш маскани «Камолот» ЁИҲ Хоразм вилояти кенгашига топширилишини эълон қилди.

— Айни вақтда Урганч шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда, янги бинолар, замонавий иншоотлар қад ростлаётти, — дейди «Камолот» ЁИҲ Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансур Машарипов. — Бундай ўзгаришларни кўриб, хоразмлик ёшлар қалби фахр-ифтихорга тўлади. Ахир, бу ишларнинг бари, аввало, биз, ёшларнинг келажакимизни ўйлаб қилинаётганини яхши англаб турибмиз-да. Мана, бугун шаҳримизда «Ёшлар кўли» дам олиш маскани очилди. Бу ҳаётимиздаги унутилмас воқеа бўлди. Чунки юртимизнинг ҳали бирор ҳудудида ёшларга атаб махсус кўл барпо этилмаган. Шуниси аҳамиятлики, ушбу улкан мажмуа фақат дам олиш маскани бўлиб қолмай, биринчи навбатда, одамларнинг маънавияти, билим ва дунёқарашини бойитишга хизмат қилади. «Ёшлар кўли» дам олиш масканининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўн тўрт турдаги аттракционлар, оталар чоихонаси, иккита кема-

кидлашни хоҳлардим. Бу ёшларга билдирилган юксак ишонч ва эътиборнинг ёрқин намунаси! Энди бундан буён кўл худудида «Камолот»нинг турли лойиҳалари, етакчи ва фаолларимизнинг турли гоа ва ташаббусларини бемалол амалга ошира оламиз. Дам олиш масканининг очилиш маросимига келган кўлаб ёшлар билан суҳбатлашдим. Улар ҳозирдан буюр лойиҳалар учун янги, қизиқarli тақлифлар беришга тайёр. Кўраёсизми, ёшларга қаратилган эътибор уларни қанчалик руҳлантириб юборди, ғайратига ғайрат қўшапти.

«Ёшлар кўли» дам олиш масканининг очилиши муносабати билан кўл худудида ёшлар сайли ташкиллаштирилди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган фаол ва иқтидорли ёшлар — давлат мукофотлари, Президент стипендиатлари ва номдор стипендиялар совриндорлари, «Камолот» ЁИҲ етакчилари, ёшлар фестивалининг тарғибот гуруҳи аъзолари қатнашди.

Сайил давомида ўтказилган миллий ва спорт ўйинлари, миллий хунармандлик буюмлари, ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар, ёш муассислар санъат асарларининг кўргазмалари, кўлаб маънавий-маърифий тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Бундан уч ой олдин «Талабалар баҳори» фестивалига келгандим, — дейди «Камолот» таълим гранти соҳиби Ғаффор Ҳосилмуродов. — Шу вақт мобайнида Урганч шаҳри мислсиз даражада ўзгариб кетди. Аэропорт йўли бўйидаги замонавий услубда қурилган тўрт қаватли тураржойларни кўриб дил яйрайди-я! Янги маийши хизмат кўрсатиш бинолари, болалар сув спорт саройи, кенг ва равон кўчаларни айтмай-сизми?! Айниқса, Шовот каналининг ўнг ва сўл қирғоғида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳавасга ариқилди. Бунинг барчаси халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлиги, мамлакатимизнинг иқтисодиёти юксалиб бораётганидан далолат беради.

— Ёшлар фестивали барча ту-



ман ва шаҳарларда кўтаринки руҳда уятапти, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов. — Хоразмлик ёшлар анча билимдон, ақл-заковатли эканини кўрдим. Шундай бўлиши тибий ҳам. Ахир, уларнинг аждодлари не-не буюк зотлар бўлган. Очигини айтман, — кези келганда ўн-ўн беш яшар ўғил-қизларнинг саволлари бизни ўйлантириб қўйди. Юртимиз келажакини мен ана шу ёшлар тимсолида кўраман. Урганч шаҳрида қуриб битказилган «Ёшлар кўли» дам олиш масканига қаранг. Бу ажойиб жой шундай ёшларнинг кўлига топшириляпти, катта ишонч билан топшириляпти. Демак, фарзандларимиз ана шундай ёшлар билан эътиборга ҳамиша муносиб бўлишлари даркор.

Сайилдаги кўргазмада намойиш этилган, бухоролик ёш хунарманд Анвар Орипов қоракўл терисидан тайёрлаган нимча, телпак, костюм, пальто ва бошқа кийим-кечаклар томошабинларда катта қизиқлиш уйғотди.

— «Камолот» лойиҳасида биринчи бор қатнашяпман, — дей-

ди ёш хунарманд. — Махсулотларимга кўпчилик қизиқиш билан қаранг. Ваҳоланки, энди бу маскан буткул ёшларники — у хоразмлик «Камолот»чиларга топширилди. Дунёнинг ҳеч қаерида ёшларнинг бунчалик эътибор қартилмас керак. Дунёда бўлаётган ишларни оммавий ахборот воситалари, интернет орқали кузатиб турибмиз. Кўп жойда турли низолар, тўқнашувлар рўй берапти. Юртимизда эса, шукрки, тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Бунинг устига ҳар қандам янгиликни, ривожланишга гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ёшлар сайли ва «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали эл суйган санъаткорлар иштирокидаги гала-концерт билан ниҳонсига етди. Катта байрам шодийнасида ёшлар билан бирга, хорижлик меҳмонлар ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этди.

## ХОРАЗМ ЎЙЛАРИ

Неча замонларга гувоҳ минорлар,  
Атрофга ҳамisha сергак Хоразм.  
Эртатка айланган ҳаётдир ёки  
Ҳаётга айланган эртатк Хоразм!

Қанча диллар шошиб келади сенга,  
Минглаб нигоҳларда сенинг суратинг.  
Ёшинг улуглашиб боргани сари,  
Тобора юксалиб бормоқда қаддинг!

Еру осмонингдан таралади нур,  
Жаҳон айвонининг офтоби сенсан.  
Шоҳлар ҳам туш кўрган эй афсона юрт,  
Кўҳна орзуларнинг рўёби сенсан!

Нақшин биналаринг кўзни олади,  
Олис доволарга соламиз рама.  
Ёки юрагимиз шунда қолади,  
Ё бизнинг юракда кетмай Хоразм!

Меҳриноз АББОСОВА,  
Зулфия номидаги  
Давлат мукофоти соҳибаси,  
«Камолот» ёшлар ижтимоий  
ҳаракати фаоли

Рустам ЮСУПОВ,  
«Turkiston» муҳбири,  
Сардор Муллажонов олган  
суратлар

# «Бизнинг етакчини сўраяпсизми?..»

Кучли ўнталик... Кейинги пайтда ўтказилаётган кўрик-танловми, спорт мусобақасими, қандайдир беллашувми, эътибор қилсангиз, ана шу «кучли ўнталик» деган иборани кўпроқ ишлатаёلمиз. Саралаш босқичлари кучли ўнталик билан якунланаёпти. Яқинда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтган Ҳаракатнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика форуми ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ёшларнинг қалбига йўл топиш, уларни Ватан тараққийоти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги гоёси атрофида бирлаштириш, қолаверса, барча соҳада уларнинг фаоллигини ошириш... Эҳ-ҳе! Буларнинг барчаси бир киши учун осон иш эмас. Бундай ишларни туғма қобилиятга эга етакчиларгина уддалайди.



Ҳаракатнинг Жиззах вилояти Пахтакор хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Наргиза Пўлатова ҳам республика форумида кучли ўнталик сафидан жой олиб қайтди. У бу ютуқларга осонгина эришгани йўқ. Бунгача у ўзи фаолият олиб бораётган коллежда етакчи қандай бўлиш керак, деган саволга обдон жавоб излади. Ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларга ноанъанавий усулларни олиб кирди. Коллеж ёшларини бирлаштиришда, эзгу гоёлар билан уларнинг қизиқишларини оширишда ҳақиқий етакчилик қобилиятини намоён эта олди. «Энг намунали бошланғич таш-

килот» танловининг вилоят босқичида қатнашганда, коллеждаги бир йиллик фаолиятини слайд орқали тақдим қилди. Тадбирларни ташкиллаштиришдаги ноанъанавий усули, қолаверса, нотиклик санъати кўпчиликка маъқул келди.

— Ҳозирда коллежимизда 910 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларнинг барчаси «Камолот»га аъзо, — дейди Наргиза. — Коллежимиз директори Илҳом Отабоев бошланғич ташкилотимиз фаолиятига доим эътиборли. Ютуқ ва камчиликларимизни сўраб туради. Менимча, бошланғич ташкилот фаолиятининг иши бир маромда кетишида етакчи ва директор муноса-

батларидаги хайрихоҳлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Республика форумидан шундай ютуқ билан қайтишим коллежимизда ана шундай яхши муҳит шаклланишидан дарак беради, албатта.

Мақтаб, коллеж бўладими, бирор корхона ё завод бўладими, у ердаги ишчи-ходимлар, талабалар «етакчи» деган сўзни кўпроқ ишлатишади. Албатта, бундан даров ўша жойдаги «Камолот»нинг бошланғич ташкилоти етакчиси англашилади. Бунда унинг вазифаси нима эканлигини узундан-узун айтиб ўтиришмайди. «Бизнинг етакчимиз», дейди-қўяди.

Бу вазифани зиммасига ол-

ган шахс ўзининг ёшлар келажига масъул эканлигини, «Камолот»нинг жамиятдаги ўрнини, нуфузини белгилаб берадиган етук кадр эканлигини ҳар дақиқа ҳис қилиб туриши керак. Ҳаракат фаолиятининг асосий негизи бўлган бошланғич ташкилотларнинг ҳаммасида ҳам ишлар қониқарли, деб бўлмади. Уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун ташаббускор, изланувчан етакчини сайлаш зарур. Етакчи шундай бўлиши керакки, у лойиҳалар билан ишлашни йўлга қўя оладиган, ёшлар манфаатини ҳимоя қилиб, муассаса билан ёшлар ўртасида муносиб кўприк вазифасини ўтайдиган бўлсин.

Пахтакор хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига бориб Наргизани сўрасангиз, «Бизнинг етакчини сўраяпсизми?» деб қарши олади ўқувчилар. Шунда Наргизанинг бу ютуқларга эришиши бежиз эмас экан, деб ўйлаб қўясиз.

— Пойтахтдан бир олам таассурот билан қайтдим. Форумдаги ҳар бир машғулот мазмунли ва самарали кечди, — дейди Наргиза. — Танишлар, дўстлар орттириб, улар билан фикр, тажрибаларимизни алмашдик. Тренер билан бўлиб ўтган машғулотларда кўп нарсани билиб олдим. Айниқса, камчиликларимни аниқладим. Ҳали бошланғич ташкилотда ёшлар билан ишлаш борасида кўп тажриба зарур экан. Эндиликда коллежимизда турли лойиҳаларни йўлга қўймоқчиман. Албатта, форумда мен ҳам тактифларимни ўртага ташла-

дим. Ҳар бир йўналиш бўйича ишлаётган сардорларнинг вилоятда малакасини ошириш учун семинар-тренинглар ўтказиб туриш таклифини бердим.

Наргиза ишлаётган коллежда иқтидорли ўқувчилар кўп. Шёър ёзадиган, расм чизадиган ё бўлмаса, тадбиркорликка қизиқадиган ўқувчилар коллеж бошланғич ташкилоти атрофида бирлашган. Бу йил май ойида «Менинг бизнес гоём» танловининг Жиззах вилояти босқичида бир йўла икки ўқувчи — Акбар Ширинбеков ва Мусулмон Эралиев фахрли ўринларни олиб, сертификат билан қайтди. Эндиликда улар коллежни битиргач, банкдан кредит олиб, тадбиркорлик билан шуғулланишлари мумкин.

Ҳаракатнинг Жиззах вилояти кенгаши қошидаги «Етакчи» ёшлар маркази раҳбари Салоҳиддин Алимқуловнинг айтишича, вилоятдаги 545 та умумтаълим мактабда, 79 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида, 179 та корхона ва ташкилотда Ҳаракатнинг 803 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Улар билан ушбу марказда вақти-вақти билан семинар-тренинглар ўтказиб турилади. Албатта, бу ўз самарасини бермасдан қолмайди. Наргизага ўхшаган фидойи етакчиларнинг фаолияти нафақат вилоятдаги, балки республикадаги бошқа бошланғич ташкилотлар етакчиларига ҳам ибрат бўла олишига ишонамиз.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**

 Shunday markaz bor

## Ҳавасга муносиб масканлар

Юртимизда тенгдошларимизнинг билим ва касб-хунар эгаллашлари учун яратилган шароитлар ҳар бир кишининг ҳавасини келтиради. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгаши қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари шундай ҳавасга муносиб масканлардан.

Айни пайтда мазкур ЁИХМларда турли тўғараклар, айниқса, «Ёш чеварлар» ва «Компьютер саводхонлиги» тўғараклари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу тўғараклар дам олиш кунларидан ташқари уззукун вилоятда истиқомат қилувчи ўн ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ёшлар билан гавжум. Тўғараклар аъзолари орасида нафақат мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, балки кам таъминланган оилалар фарзандлари, имконияти чекланган, вақтинча ишсиз тенгдошларимиз ҳам бор. Шунингдек, туман ички ишлар бўлими профилактик ҳисобида рўйхатга олинган ёшлар ҳам тўғаракларда хунар ўрганиб, оиласи ва жамият учун керакли инсонлар бўлиб шаклланимоқда.

— Марказимизда касб-хунар ўрганишдан бўш вақтларида ёшлар учун турли мавзуларда маънавий-маъ-

рифий учрашувлар, ижтимоий фойдали давра суҳбатлари ўтказиб турилади, — дейди «Компьютер саводхонлиги» тўғараги раҳбари Лобар Арслонова. — Жумладан, яқин кунлар ичида қизлар ўртасида «Кўли гул чеварлар», йигитлар иштирокида «Мардлар кўриқлайди ватанни» мавзуларида беллашувлар ўтказдик. Айниқса, мактаб ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ёшларнинг эсида қоладиган тадбир бўлди.

Ҳаракатнинг Боёвут тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази ҳам туман ёшлари талпинадиган, бўш вақтига мазмун бағишлайдиган масканлардан. Ушбу тўғаракда бўлганимизда бу масканда бирорта тенгдошимизнинг бўш ўтирганини кўрмадик. Кимдир бичиш-тикиш, яна

кимдир компьютер сошлаш билан банд эди.

Марказда айни пайтда «Компьютер сервис хизмати», «Мунчоқли безак» тўғараклари фаол ишляпти. Уларда юз нафардан зиёд ўғил-қиз ўз иқтидорини чархляпти. Машғулотлар асносида тўғарак раҳбарлари дарсларнинг ҳар томонлама қизиқарли бўлишига алоҳида аҳамият қаратмоқда.

— Ёзги таътилни бу ерда мароқли, фойдали хунар ўрганиб ўтказдим. Устозимиздан кўп нарса ўргандим, — дейди «Мунчоқли безак» тўғараги аъзоси Нозима Жабборова. — Ўқув йили бошлангандан буён дарсдан кейин вақтимни шу ерда ўтказяпман. Энди ўзим мустақил равишда матога мунчоқлардан турли композициялар чекаяпман.

Марказда Нозима каби хунар ўрганиб, вақтини самарали ўтказяётган, юртимизда яратилаётган шароитлардан мамнун ёшлар кўп. Улардан ҳар бирининг қалбида улкан эзгуликнинг митти ниҳоли ниш уриб бораётир. Кези келиб, шу кичик уруғдан кўқарган яхшиликнинг баҳайбат қарағайлари барқ уради.

**Элёр ЖўРАЕВ**

 Tadbirkor — yurt tayanchi

Чортоқ туманидаги «Раҳимжон Умаров» хусусий корхонаси тадбиркор Марҳаматхон Тўхтабоева бошчилигида уч нафар хунарманд билан иш бошлаган эди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор, яратилган имкониятлар туфайли бу корхона аста-секин кенгайиб борди: ҳам иш қўлами, ҳам ишчилар сони билан. Бугун бу ерда йигирма нафар хунарманд қиз ва аёллар меҳнат қиляпти.

## Атлас жилоси



— Корхонамизни янада кенгайтириш мақсадимиз бор, — дейди Марҳаматхон Тўхтабоева. — Банкдан имтиёзли кредит олиб, хориждан янги техник жиҳозларни олиб келиб ўрнатмоқчимиз. Шунда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз тури ҳозирги йигирматадан камида ўттизтага, ходимларимиз сони эса олтимиш нафарга етади.

Корхонада атлас ва адрас матолар тўқилади. Муҳайё Мўминова, Кундузхон Иномова, Мавлуда Қурбонова, Ҳилола Умарова, Мунаввар Қурбонова сингари уста тўқувчиларнинг ҳар бирига икки-уч нафардан ёш бириктирилган.

**Тургунбек МАҲКАМЗОДА,**  
**Наманган вилояти**  
Суратларда: хусусий корхона фаолиятдан лавҳа

# Эътирофга муносиб ташаббуслар

Янги ўқув йилида Тошкент

вилояти умумтаълим мактабларининг биринчи синфига 44 минг 446 нафар ўқувчи қадам қўйди. Уларга Президент совғаси сифатида ўн икки номдаги ўқув қуроллари ва портфеллар топширилди.

Ўтган ўқув йилида Бекобод шаҳридаги 5-мактабни 134 нафар ўқувчи битириб, ҳозирда касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган бўлса, иккинчи сентябрдан бошлаб уларнинг ўрнини 189 нафар бола тўлдирди.

Мактабда меҳнат қилаётган 80 нафар педагог муштарак мақсад йўлида 1500 дан зиёд ўқувчига сабоқ бермоқда. Таълим даргоҳида ўқув-услубий ишларга, ҳар бир фаннинг чуқур ва мазмунли ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилган. Фан ойлукларининг мунтазам ўтказилиши яхши самара бермоқда.

Барча ўқув хоналари замонавий жиҳозга эга. Учта информатика хонаси ташкил этилган, уларнинг икитасидан класстер синфи сифатида фойдаланилади. Мактабда ахборот-коммуникацион технологиялардан унумли фойдаланиш борасида яхшигина тажриба бор.

Мактабда физика, иқтисод, тарих, информатика ва инглиз тили фанлари бўйича шаҳар мактаблари ўқитувчилари учун «Маҳорат мактаби» ташкил этилган. Бу борада тажрибали физика ўқитувчиси Фахриддин Бойбўтаевнинг ташаббуси ва изланишлари эътирофга лойиқ. Мактаб ўқувчиларининг физика бўйича фан олимпиадаларида ва «Билимлар беллашуви»да доимо юқори ўринларни банд этиб келаётгани бежиз эмас.

«Билимлар беллашуви»нинг вилоят босқичида физика ва немис тили бўйича икки нафар ўқувчи қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади. Шунингдек, ўқувчиларнинг фан олимпиадаларидаги иштироки ҳам



ижобий бўлди. Албатта, бу борада мактаб ўқитувчиларининг маҳорати, ижодий тажрибалари қўл келмоқда.

Ўтган ўқув йилида мактабнинг тажрибали ўқитувчиларидан Гулсара Салимова ва Маргарита Зиганшина «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Тарих ва информатика фани бўйича уларнинг иш тажрибаси шаҳар мактабларида ҳам оммалаштирилган.

Мактабнинг чет тили ўқитувчиси Муҳаббат Тожибоева, кимё ўқитувчиси Людмила Филиппова, рус тили ўқитувчиси Рашидбек Ёқубов, бошланғич синф ўқитувчиларидан Хурсаной Ҳамдамова ва Салима Фозилованинг маҳорати, янги изланишлари диққатга сазовор. Ёш ўқитувчилар улардан зарур маслаҳат олиб, иш фаолиятларини такомиллаштириб боришаётир.

Бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда мактабда чет тилини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, 1-синф ўқувчилари учун мўлжалланган чет тили хоналари ўн тўрт номдаги жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Ҳозирда мактаб ўқувчилари билан биргаликда ўқитувчилар ҳам хорижий тилларни ўрганапти.

Аниқ фанлар метод бирлашмаси-

да «Устоз-шогирд мактаби» фаолияти яхши йўлга қўйилган. Ёш ўқитувчилардан Қахрамон Бойзоқов, Муножот Мирзаматованинг иш фаолияти юқори баҳоланди. «Дарс — муқаддас» тадбири асосида дарс ишланмалари тўплами яратилди. Мактабда ҳар йилгидек инновацион технологиялар фаолияти ташкил этилди. «Устоз-шогирд мактаби», «Фан ойлиги», «Мактабимиз фахрийлари», «Бугун мактабда», «Таҳлил харитаси» каби деворий жиҳозлар тайёрланди. Ҳар бир метод бирлашма йиллик иш режаларини тайёрлаб, ўтиладиган дарсларнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

— Янги ўқув йилини кўтаринки кайфият билан бошладик, — дейди ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Ойдин Сайдазимова. — Ҳар бир синфда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилган Мустақиллик дарслари ўқувчиларимизда катта таассурот қолдирди. Энг муҳими, ёшларимизда Ватан туйғуси, юртга муҳаббат ҳисси шакллантирилди. Истиқлол бебаҳо қадрият эканлигини англаб етишди улар.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» муҳбири**

Dildagi so'z

## Айёмлари ярашиқли юрт

Қабулимиздан одам аримайди. Никоҳдан ўтиш учун ариза ёзишга келган йигит-қизлар, фарзандига туғилиш гувоҳномасини олаётган бахтиёр оталарнинг ҳаяжония қувончи чексиз.

— Опажон, никоҳимизни 1 сентябрда қайд этишнинг иложи борми? Мустақиллик кунда оила қуриб, бир умр кўшалок байрам сифатида нишонлаб юрмоқчимиз, — дея илтимос қилди кўзлари порлаб турган бўлғуси куёв.

— Тўрт йил аввал туғилган ўғлимга тўқсон ёшли бувиси ёруғ кунларга етказганига шукр, деб Ёрқинбек исмини кўйгандилар, — дейди байрам арафасида фарзандига гувоҳнома олаётган ёш оталардан бири гурур билан. — Қизимизга эса бугунги тинч ва фаровон кунларда яшаётганимизга шукрона сифатида аллақачон Шукрона, деб исм танлаб кўйганлар.

Дарҳақиқат, уларнинг тилидану дилидан кечаётган мана шу каби эзгу фикр ва ҳислар шу юртда

яшаётганидан бахтиёр ҳар бир юртдошимиз учун таниш. Чунки бугун ўз тараққиёт йўлини яратган юртимиз тинч, ҳар томонлама ривожланиб, жадал сурьатларда фаровонлашаётган мамлакат сифатида жаҳон айвонидан ўз ўрнини топди. Қувонарлиси, буни кўплаб ривожланган давлатлар ҳам эътироф этмоқда, юртимизга ҳавас билан боқмоқда.

Осиё тараққиёт банки маълумотларига кўра, ўтган йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий сезиларли даражада ўсган. Бу, албатта, юртимиздаги одилонани сиёсат, баҳамжиҳат, фидойи халқимиз меҳнатининг самарасидир.

Бугун энг ривожланган мамлакат ҳисобланган айрим давлатларда қанча одамлар бошпанасиз ҳаёт

кечиради, неча минглаб болалар билим олиш ҳуқуқидан маҳрум. Яна қайсидир давлатларда турмуш қуриш истигадилар имкониятсизлик туфайли оилали бўлиш бахтидан бебаҳра.

Шукрки, бизда бундай эмас. Кам таъминланганлар, кексалар, болалар, ногирон ва ёлғизларга миллати, дини ҳамда келиб чиқишидан қатъи назар, ижтимоий ҳимояга муҳтож катлам сифатида биринчи галда эътибор қаратилади. Шунингдек, жорий этилган бепул 12 йиллик мажбурий умумий таълим барча учун амалда. Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб улғайиши, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш йўлида қилинаётган эзгу ишларни айтиб адо этиш қийин.

Жумладан, аънаага айланган тадбирларнинг ис-

боти ўлароқ, республикамиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида давлатимиз томонидан жойларда қанчадан қанча никоҳ ва хатна тўйлари ўтказилди. Оилалар замонавий тураржой ва намунавий уйларга кўчиб ўтишди. Янги маъмурий, маиший бинолар, мактаб ва коллежлар, шунингдек, бошқа иншоотлар қуриб битказилди.

Бир сўз билан айтганда, бирор соҳа ёки аҳолининг ҳеч бир қатлами эътибордан четда қолмаяпти. Асосийси, барча саъй-ҳаракатлар замирида инсон ва унинг яхши яшаши учун қилинаётган эзгу мақсад мужассам. Одамларда илгаригидай боқимандалик кайфиятидан кўра, меҳнатга, фаровонликка интилиш, шу юрт учун фидойилик ҳисси устун.

**Феруза ҲАКИМОВА,**  
**Наманган вилояти**  
**Янгиқўрғон тумани**  
**ФХДЭ бўлими мудираси**



## Бекинмачоқ олимпия ўйинларига кирадими?

Япониялик профессор Ясуо Хазак бекинмачоқ спорт тури сифатида эътироф қилинишини Халқаро олимпия қўмитасидан сўради.

Унинг фикрича, бекинмачоқ олимпия ўйинлари таркибига киритилиши керак. Сабаби, у бошқа ўйинларга нисбатан тезкорлик ва ақлни кўпроқ талаб этади. 64 ёшни қаршилаган, енгил атлетика бўйича бир неча турнирлар ғолиби Ясуо 2020 йилги олимпиада ўйинларида бекинмачоқни кўриш учун бор имкониятини ишга солмоқчи. Ҳозирда у бекинмачоқ ташкилотини тузди ва айни пайтда мингдан зиёд япониялик унга аъзо. Профессор ўйин қоидаларини ҳам жорий қилди. Унга кўра, ўйин йигирма метр квадрат жойда, етти нафар ўйинчи билан узоғи ўн дақиқага чўзилиши мумкин. Ўйинда етти ёшдан саксон ёшгача бўлганлар иштирок этади.

## Пицца мусобақаси

Италиянинг Неапол шаҳрида пицца тайёрлаш мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда 47 мамлакатдан беш юз нафар ошпаз иштирок этди. Мусобақада эса айнан неаполлик Давид Чивителло ғолиб бўлди. Иккинчи ўринга япониялик ошпаз сазовор бўлган бўлса, учинчи ўринга Италиянинг Бреши шаҳридан келган ошпаз муносиб кўрилди. Улар ўн дақиқа мобайнида масаллиқлари деярли тайёр пиццаларни турли кўринишда тайёрлаб, ҳакамларга тақдим этишди.

## Бобошолғом

Уэльслик нафақахўр 43,6 килограммик шолғом етиштирди.

Бундай катта сабзавоти билан 70 ёшли Ян Нил рекорд натижани қайд этди. Бундан олдин қария гигант сабзи ва карамлари билан танилганди. Дунёдаги энг катта шолғом 39,3 килограмм вазн билан етакчилик қилаётган эди.

Ян Нил муваффақияти ҳақида маълумот беришни хоҳламади. У рақиблари кўпайишидан қўрқинишни очиқ тан олди.

## Денгиздаги операция

Ўрта Ер денгизида нақ 30 тонна гиёҳванд модда олиб кетаётган кемани ўз денгизчилари ёқиб юборди.

Воқеа Мальта ва Сицилия оралиғида содир бўлди. Денгизчилар полиция катерларини кўрган заҳоти 85 метрлик юк кемасини ёқиб, сўнгра сувга сақрашган. Натижада, полиция жиноятчиларни қутқариб, кейин ҳибсга олди. Кемадаги ёнғин ўчирилгандан сўнг қирғоққа судраб олиб келинди. Ёнғиндан сўнг кемада деярли ҳеч қандай далил қолмади. Кемани қўлга олишда Италия ва Мальта полицияси учун уч катер ва бир вертолёт керак бўлган.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМатов тайёрлади**

## Урганч: Ёшлар кўли



Obod manzillar

Обод элнинг обод манзили,  
Хур дилларнинг озод манзили.

Азим Урганч бағридаги дур,  
Эл қалбида порлаган сурур!

Она халқим, қўлинг бер, ўпай,  
Йўлларингга боримни тўкай!

Бедорликни тумор этдинг сен,  
Яратмоқни хумор этдинг сен.

Ободликка юз тутган шаҳрим,  
Кўрган кўзни ром этган шаҳрим!

Юртбошимнинг меҳридан ўсиб,  
Муҳаббатин сеҳридан ўсиб.

Юксалганинг сайин буюксан,  
Жондай азиз, жондай суюксан!

Тинчлик учун айтиб минг шукр,  
Дегум дилга тўлганча ғурур:

«Хар қаричи тилларда достон,  
Ўзбекистон яратган бўстон!»

Сайёра САМАНДАРОВА

Сардор Муллажонов олган суратлар



Сўнги пайтларда шаҳримизнинг аҳоли гавжум жойларида махсус бугқозонларда маккажўхори пишириб сотиш кўпайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини бундай шароитда тайёрлаб сотиш санитария-гигиена талабларига қанчалик мос келади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Саволга Тошкент шаҳар Ҳамза тумани санитария эпидемиология назорат маркази озиқланиш гигиена бўлимининг санитария врачлари Гулмира Каримова жавоб беради:**

— Кўпинча аҳоли гавжум жойларда уй шароитида тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, маккажўхори сотаётган «тадбиркор»ларни учратиш қоламиз. Бундай озиқ-овқат маҳсулотлари қандай ша-

### Шерзод, Тошкент шаҳри

роитда, ким томонидан тайёрлангани номаълум бўлгани учун ҳам сотишга рухсат берилмайди. Чунки озиқ-овқат маҳсулотлари ёпиқ бинода, махсус ажратилган жойда, жиҳозланган шароитда, саломатлиги мунтазам назоратдан ўтказиб туриладиган ошпазлар томонидан тайёрланиши лозим.

Саволга келсак, хориждан келтирилган мувофиқлик ва гигиеник сертификатга эга бугқозонлар санитария ва гигиена талабларига мос келади. Чунки

### 1 savolga 1 javob

электр энергияси билан ишлайдиган бундай мосламалар оғзи маҳкам ёпилади, пиширишда маҳсулот сифатига путур етмайди, кўчириш учун ҳам қулай. Бундай шароитда тайёрланган маккажўхориларнинг инсон саломатлигига зиёни йўқ. Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган фуқароларга намунали хизматларни ташкил этишда озиқ-овқат тайёрланадиган қозонларнинг мувофиқлик, гигиеник сертификати, сотувчиларнинг махсус иш кийими ва тиббий кўриқдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлса, хавотирга ўрин йўқ.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.**

## Тошкентда халқаро анжуман

Sport

9 сентябрь куни пойтахтимизда Осиё Паралимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси ҳамкорлигида «Осиёда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш» мавзуида халқаро анжуман бошланди.

Анжуманда Ўзбекистон Олимпия қўмитаси президенти Мираброр Усмонов, Осиё Паралимпия қўмитаси президенти Зайнал Абидин Бин Абу Зарин, Осиё Паралимпия қўмитаси Бош котиби Малани Раҷасагран, Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси раиси Асатилла Салимов ва Осиё мамлакатлари паралимпия қўмиталари вакиллари иштирок этмоқда.

Халқаро анжуманда 2020 йилга қадар Осиё Паралимпия ҳаракатини мақсадли йўналтириш дастури асосида ривожлантириш, қитъа мамлакатларида ногиронлар ўртасида спортни янада оммалаштириш ва ривожлантириш учун кўриладиган чора-тадбирлар, паралимпия спортчилари ҳамда спорт турларини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сингари масалалар муҳокама этилмоқда.

Кун тартибидан, шунингдек, бошқа долзарб масалалар муҳокамаси, семинарлар, тақдиротлар, тадбирлар, 2012 йилги Лондон Паралимпия ўйинлари ғолибларини йил номинациялари бўйича тақдирлаш маросими ўрин олган.

Бугун Халқаро анжуманнинг энг қизиқарли тадбирлари бўлиб ўтади. Жумладан, Осиё Паралимпия қўмитаси ва унинг минтақавий ижроия қўмиталари ўртасида Тошкент декларацияси имзоланади. Меҳмонлар пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўҳрат музейи, «Бунёдкор» стадионига саёҳат қилишади.

**Элмурод НИШОНОВ,**  
«Turkiston» муҳбири

### YON DAFTARCHANGIZGA

Вақиллаган вақтни ўтказар,  
Қўлидан нақдни кетказар.

**Ўзбек халқ мақоли**

Кўмак, ёрдам	→					Греция пойтахти	Намуна, ўрнак	Тилла, кумуш	→				
Денгиз йирткичи, наханг	→	Киприк (шевада)		Дарвеш ҳассаси	Ортиқча ҳашамат					Заковатли билимдон	Суюқ шоколад		«...- линза»
					Туман, Самарқанд вилояти	Шеърӣ вазн		Рубрика (Ўзбекча)	→				Тьерри ... (футболчи)
		Океан (Ўзбекча)		Телпақ-боп мўйнали хайвон						Кема қисми	Номла	→	
					Тўтиқуш тури			Замин	→				
Учинчи авлод, абира	→	Чаққон, эпчил		Тинчлик куши							Майдон ўлчов бирлиги	→	
					Маҳмуд ...- Замахшарӣ			Моҳир, уста		Нарвон (шевада)		→	

Turkiston

### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»  
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
билан рўйхатдан  
ўтган.



### Бош муҳаррир:

**Ашуров Салим Тўраевич**

### Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи муҳаррир:

Юсупов  
Рустам  
Қўчқорович

### Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекс: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-943.  
Адади — 8391  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
Тошпирилди — 00.50  
ЎЗА якуни — 22.35

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6